



ТЕЗ ТИББІЙ ВА ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 май куни тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бу соҳалар инсон соғлиги ва ҳаётини сақлаб қолишда “олтин соат” оралиғида биринчи ёрдам кўрсатувчи муҳим бўғиндир. Сўнгги беш йилда бу йўналишларнинг моддий таъминоти ва кадрлар салоҳиятини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинди.

Жумладан, 2 минг 224 та янги тез ёрдам машиналари харид қилинди, замонавий реанимация машиналари сони 24 тадан 435 тага етказилди. Тез ёрдам станциялари ва бригадалари сони ҳам кўпайтирилди. Шунингдек, битта қақирқ учун дори-дармонга ажратилаётган маблағлар миқдори 16 бараварга, дори турлари 20 тадан 45 тагача оширилди.

Шошилинч ёрдам соҳасида ҳам қўйи бўғинга катта эътибор қаратилди. Худудларда 21 та туманларро қўшма шикастланиш ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилди. Натижада туман ва шаҳар аҳолисини вилоят марказларига мурожаатларини камайтирди.

Масалан, илгари “Қамчик” довониде автоҳалокатда оғир тан жароҳати олган беморлар 100 километр масофа босиб, Тошкент ва Наманган шаҳридаги шошилинч марказларга олиб борилган. Энди Ангрэн шаҳри ва Поп туманида очилган марказлар одамлар жонига оро қирмоқда.

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам бор. Улар ҳақида 18 март куни давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотида айтилган эди.

Мисол учун, ўтган йили тез тиббий ёрдам бригадасининг кечикиб келиши бўйича 50 мингдан зиёд шикоят келиб тушган.

Бунинг сабабларидан бири соҳада ягона бошқарув йўлга қўйилмаганидир. Жумладан, тез тиббий ёрдам ходимини ишга тайинлаш, дори-дармон таъминоти, транспорт, ёқилғи ва ҳайдовчилар масаласи вилоятдаги турли бошқармалар ваколатида. Бошқарувдаги бундай чалкашликлар эвазига тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш туман ҳудуди билан чекланган. Тез ёрдам станцияси қўшни туман билан чегарадош бўлса-да, бошқа ҳудуд деган ваз билан қақирувни қабул қилмайди.

Тез тиббий ёрдам машиналарининг кўпида навигация жиҳозлари йўқлиги, 10 мингта қўчага ҳалигача ном ва 500 мингга яқин уйларга рақам қўйилмагани сабабли манзилни топишга кўп вақт кетмоқда.

Тизимдаги энг катта муаммо — шошилинч ёрдам бемор учун энг яқин тиббиёт муассасасида эмас, балки фақатгина олдиндан бириктирилган санокли шифохоналарда кўрсатилади.

Шу боис, тез тиббий ва шошилинч ёрдам тизимини такомиллаштириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Йиғилишда ушбу дастурдаги асосий янгиликлар, уни амалга ошириш борасидаги вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, жорий йил 1 июлдан ягона вертикал бошқарув асосида “103” Республика тез тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоят филиаллари ташкил этилади. Бунинг натижасида энди тез тиббий ёрдам кўрсатиш бир туман ҳудудида эмас, балки Тошкент шаҳри тажрибаси асосида, масофага қараб бутун вилоят бўйича йўлга қўйилади.

Туманларда қақирувларни қабул қилиш диспетчерлик хизмати автоҳалокатда оғир тан жароҳати олган беморлар 100 километр масофа босиб, Тошкент ва Наманган шаҳридаги шошилинч марказларга олиб борилган. Энди Ангрэн шаҳри ва Поп туманида очилган марказлар одамлар жонига оро қирмоқда.

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам бор. Улар ҳақида 18 март куни давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотида айтилган эди.

Мисол учун, ўтган йили тез тиббий ёрдам бригадасининг кечикиб келиши бўйича 50 мингдан зиёд шикоят келиб тушган.

Бунинг сабабларидан бири соҳада ягона бошқарув йўлга қўйилмаганидир. Жумладан, тез тиббий ёрдам ходимини ишга тайинлаш, дори-дармон таъминоти, транспорт, ёқилғи ва ҳайдовчилар масаласи вилоятдаги турли бошқармалар ваколатида. Бошқарувдаги бундай чалкашликлар эвазига тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш туман ҳудуди билан чекланган. Тез ёрдам станцияси қўшни туман билан чегарадош бўлса-да, бошқа ҳудуд деган ваз билан қақирувни қабул қилмайди.

Тез тиббий ёрдам машиналарининг кўпида навигация жиҳозлари йўқлиги, 10 мингта қўчага ҳалигача ном ва 500 мингга яқин уйларга рақам қўйилмагани сабабли манзилни топишга кўп вақт кетмоқда.

Бунинг сабабларидан бири соҳада ягона бошқарув йўлга қўйилмаганидир. Жумладан, тез тиббий ёрдам ходимини ишга тайинлаш, дори-дармон таъминоти, транспорт, ёқилғи ва ҳайдовчилар масаласи вилоятдаги турли бошқармалар ваколатида. Бошқарувдаги бундай чалкашликлар эвазига тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш туман ҳудуди билан чекланган. Тез ёрдам станцияси қўшни туман билан чегарадош бўлса-да, бошқа ҳудуд деган ваз билан қақирувни қабул қилмайди.

Тез тиббий ёрдам машиналарининг кўпида навигация жиҳозлари йўқлиги, 10 мингта қўчага ҳалигача ном ва 500 мингга яқин уйларга рақам қўйилмагани сабабли манзилни топишга кўп вақт кетмоқда.

Шу боис, янги ўқув йилидан фельдшерликка ўқиётган ёшлар ҳайдовчиликка ҳам ўргатилиши белгиланди. Бунинг учун тиббиёт коллежларига ҳайдовчилик мактаблари бириктирилади.

Кўрсатилган хизматни беморлар томонидан баҳолаш орқали тез тиббий ёрдам ходимларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади. Бунда, ҳар чорак якунида фаолияти беморлар томонидан яхши баҳоланган бригадалар ходимлари ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида мукофотланади.

Ўртимизда ҳар минг кишига нисбатан қақирувлар сони 352 тани ташкил этади. Бу ривожланган давлатлардагига қараганда 6-7 баравар кўп. Чунки кишлоқ ва маҳаллаларда оддий тиббий хизмат йўлга қўйилмагани учун аҳоли тез ёрдамга мурожаат қилмоқда.

Шунинг учун маҳаллаларда тиббиёт пунктлари ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Тез тиббий ёрдам тизими ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бунинг учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази Республика тез тиббий ёрдам маркази тизимига ўтказилиб, Ходимлар малакасини ошириш мактаби сифатида қайта ташкил этилади. Туркия, Корея, Франция каби тез ёрдам тизими илғор бўлган мамлакатлардан мутахассислар жалб қилинади.

Туманлар даражасида шошилинч тиббий хизмат қамровини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Бунинг учун, энг аввало, барча туман ва шаҳар шифохоналаридаги терапия, педиатрия ва хирургия йўналишида бир-бирини тақорлайдиган режали ва шошилинч бўлимлар бирлаштирилади. Уларда туну кун ишлайдиган шошилинч ёрдам қабулхоналари ташкил этилади.

— Бу вазифаларни жой-жойига қўйиб, тиббиёт соҳасини халққа янада яқин қилган, инсон қадрини улуғлаш учун яна бир қадам ташлаган бўламыз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизматларини ривожлантириш бўйича ўзларининг ҳудудий дастурларини қабул қилиб, ижросини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Етакчилар муқаддас Рамазон ҳайити билан бир-бирини самимий қутлаб, мамлакатларимизнинг биродар халқларига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Олий даражадаги музокаралар якунида қабул қилинган битимлар ва эришилган келишувларнинг амалга оширилиши

батафсил муҳокама қилинди.

Амалий ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, ўзаро савдо ҳажминини ошириш, sanoat, energetika, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт соҳалари ва бошқа йўналишларда устувор кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари ҳудудлар ўртасидаги мулоқотларни фаоллаштириш ва маданий-гуманитар алмашинувни ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзаро лойиҳалар ва кўп қиррали ҳамкорлик дастурларини амалга оширишни жадаллаштириш учун икки мамлакат ҳўкуматлари даражасида мунтазам учрашувлар ўтказиш ва мувофиқлашувни кўчатириш муҳим экани қайд этилди.

Бундан ташқари, минтақавий кўн тартибининг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар домғидек ишонч ва дўстлик руҳида ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2022 йилда ханҷоу шахрида (хитой) бўлиб ўтадиган XIX ЁЗГИ ОСИЁ ВА IV ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИ КОМПЛЕКС ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жорий йилда Ханҷоу шахрида (Хитой) бўлиб ўтадиган ёзги Осиё ва Параосиё ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ҳар томонлама тайёрлиги ва муваффақиятли иштирокини таъминлаш, уларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мамлакатимизда Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Осиё ўйинлари ташкилий қўмитасининг тақлифига кўра Ханҷоу шахрида (Хитой) 2022 йил 10-25

сентябрь кунлари XIX ёзги Осиё ўйинлари ҳамда шу йилнинг 9-15 октябрь кунлари IV ёзги Параосиё ўйинларида (кейинги ўринларда — Осиё ва Параосиё ўйинлари) Ўзбекистон спорт делегациясининг иштироки эйтиш режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Осиё ва Параосиё ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлашнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон спорт делегациясининг аввали Осиё ўйинларига нисбатан

▶ Давоми 2-бетда

ШҲТ ФОРУМИ ОЛДИДАН

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ — ИШОНЧ ВА ЎЗARO АНГЛАШУВ ПЛАТФОРМАСИ



Шунингдек, Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги даврида давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида 80 дан ортқ тадбир ўтказиш режалаштирилган. Жорий

йил 11 май куни “Халқ дипломатияси — тараққиёт сари ўзаро ҳамжиҳатлик” мавзусида бўлиши кўтилаётган ШҲТ Халқ дипломатияси форуми (“Тошкент — 2022” форуми) шулардан биридир.

Муҳбиримиз ушбу нуфузли тадбирга тайёргарлик ишлари ва унинг аҳамияти ҳақида ташкилотчилар фикрини ёзиб олди.

▶ Давоми 3-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Истикболли тармоққа инвестиция қилиб, уни янада ривожлантириш амалиёти дунё тажрибасида оммалашган. Табиийки, маблағ киритаётган инвестор келгусида бундан яхши наф қўришни чамалайди. Манфаатдор ташкилот ҳам қўшимча маблағ ҳисобига ишини янада кенгайтириб, даромадини оширади. “Сиздан угина, биздан бугина” тамойилига асосланган бундай ҳамкорликни содда қилиб икки ёки кўп томонлама манфаатли келишув, дейиш мумкин.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР УЧУН ОЧИҚ МАЙДОН У қандай натижа беради?



▶ Давоми 4-бетда

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

97 ёшни қаршилаган Назар ота болагини яхши эслайди. Раҳматли отаси уни далага ишлагани олиб борар, иссиқ забтига олган кезларда ариқ бўйидаги чинор остида нафас ростлашарди. Шунда отаси: “Ўғлим, бу чинорнинг сояси — жоннинг роҳати. Ёши юздан кам эмас. Ҳали ҳам бақувват. Чунки илдизлари мустаҳкам”, дерди.

“ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК УМРИМГА УМР ҚЎШЯПТИ”

ДЕЙДИ ПЕШКУЛИК УРУШ ҚАТНАШЧИСИ

Падари бузруквори ҳақ эди, албатта. Илдиизи мустаҳкам дарахтнинг умри узок бўлади. Завол кўрмайди. Жазирама иссиқда сояси жонга ором беради.

Назар ота дўппини бошдан олиб ўйлаб қараса, ўзининг ҳам чинордан қолишадиган жойи йўқ. Ахир муаллимлик қилиб, юзлаб шогирдлар тайёрлади. Турмуш ўртоғи Норжон момо билан тўққиз қиз, бир ўғилни оқ юзиб, оқ тараб вояга етказди. Ҳозир 200 дан зиёд неваре, эвара, чевараси бор. Илдизи мустаҳкам бир чинор бўлса, шунча бўлар-да?!

Аммо бу кунларга етмоқ айтишгагина осон. Зеро, Назар ота тенги авлоднинг болагини, ёшлигини уруш ўз домига тортган эди.

— Ушанда 1943 йил эди, — дея

эслайди отахон. — Мактабнинг битирувчи синфида ўқирдим. Қақирув қозғи келди. Бордим. Бир ҳўжатларимга, бир бўй-бастимга қараган ҳарбий комиссар “Армияга борасан”, дея гапни қисқа қилди. Шу тарика йигитлик бурчимни ўтагани жўнаб кетдим. Бизни Пензада бир ой давоимлик қилиб, юзлаб шогирдлар тайёрлади. Турмуш ўртоғи Норжон момо билан тўққиз қиз, бир ўғилни оқ юзиб, оқ тараб вояга етказди. Ҳозир 200 дан зиёд неваре, эвара, чевараси бор. Илдизи мустаҳкам бир чинор бўлса, шунча бўлар-да?!

Аммо бу кунларга етмоқ айтишгагина осон. Зеро, Назар ота тенги авлоднинг болагини, ёшлигини уруш ўз домига тортган эди.

▶ Давоми 6-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2022 йилда Ханжжоу шахрида (Хитой) бўлиб ўтадиган XIX ЁЗГИ ОСИЁ ВА IV ПАРАОСИЁ ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида

 Бошланиши 1-бетда

спортчиларнинг генетик ва фенкопик имкониятларини ўрганиб, уларга рационал овқатланиш ҳамда машғулот юкламаларини тўғри тақсимлаш бўйича тавсиялар бериш ва уларни миллий терма жамоаларга жалб қилиш, шунингдек, ҳар бир спортчининг психологик портретини шакллантириш орқали психологик тайёрлаб бориш;

спорт турлари бўйича тайёргарлик жараёнига хорижий тренерлар ва мутахассисларни, шу жумладан, спорт фармакологлари, диетологлари, психологларини жалб қилиш;

спортчилар учун узлуксиз ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш ҳамда яқиний тайёргарлик босқичини самарали ва сифатли ташкил этиш.

3. Ўзбекистон спорт делегациясининг 2022 йилда Ханжжоу шахрида (Хитой) бўлиб ўтадиган XIX ёзги Осиё ва IV Параосиё ўйинларига тайёргарлик қириши ва муваффақиятли иштирок этиши бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Осиё ва Параосиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари: олтин медаль учун — 5 000 АҚШ доллари; кумуш медаль учун — 3 000 АҚШ доллари; бронза медаль учун — 2 000 АҚШ доллари; б) Осиё ва Параосиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаган тренерлар:

олтин медаль учун — 2 500 АҚШ доллари; кумуш медаль учун — 1 500 АҚШ доллари; бронза медаль учун — 1 000 АҚШ доллари; в) Осиё ва Параосиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаган бошқа мутахассислар (шифокор, диетолог, массажист ва бошқалар):

олтин медаль учун — 2 000 АҚШ доллари; кумуш медаль учун — 1 000 АҚШ доллари; бронза медаль учун — 500 АҚШ доллари микдорида ҳар бир медаль учун бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантирилади;

г) мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Белгилансинки, Осиё ва Параосиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари ва уларни тайёрлаган тренерлар қўшимча равишда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантирилади:

а) Осиё ва Параосиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари: олтин медаль учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари миқдорида; кумуш медаль учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида; бронза медаль учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида рағбатлантирилади;

б) Осиё ва Параосиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаган тренерлар:

олтин медаль учун базавий ҳисоблаш миқдорининг — 200 баравари миқдорида; кумуш медаль учун базавий ҳисоблаш миқдорининг — 100 баравари миқдорида;

бронза медаль учун базавий ҳисоблаш миқдорининг — 50 баравари миқдорида;

в) мазкур бандда назарда тутилган харажатлар маҳаллий бюджетнинг қолдиқ маблағлари ва даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисмидан қопланади.

6. Қуйидагилар Осиё ва Параосиё ўйинларига тайёргарлик қиришининг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасига ажратилган Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. 2024 йил Париж шахрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (А.Н. Арипов):

икки ҳафта муддатда Осиё ва Параосиё ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегациясининг контингентини, шунингдек, ушбу ўйинларга босқичма-босқич тайёргарлик олиб бориш схемасини тасдиқлаш;

Осиё ва Параосиё ўйинларига тайёргарлик қириши ва муваффақиятли иштирок этиш бўйича мазкур қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назоратга олиш;

спорт соҳасидаги малакали мутахассислар ва масъул спорт ташкилотлари вакилларидан иборат Осиё ва Параосиё ўйинлари тезкор штаблари фаолиятини ташкил этиш;

Осиё ўйинлари дастурига киритилган ноолимпия спорт турларига спорт базаларини бириктириш, спорт инвентарлари билан таъминлаш, 110 кунлик узлуксиз маҳаллий ва халқаро ўқув-машғулот йиғинлари ҳамда халқаро спорт мусобақаларида терма жамоа аъзолари иштирокини таъминлаш;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ҳузурида спортчиларнинг допинг назоратини олиб бориш учун мўлжалланган Допингга қарши маъмурият ва бошқарув тизими (ADAMS) дастури бўйича махсус ишчи гуруҳларини ташкил этиш;

натихадорлиги паст бўлган спорт федерация (ассоциация)ларида замонавий спорт менежментини йўлга қўйиш.

8. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Ш.Ташматов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев)га:

спортчиларнинг халқаро спорт мусобақаларига тайёргарлиги давомида жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилаш, жумладан, тренерлар, спорт шифокорлари, ҳакамлар иштирокида маҳаллий ва халқаро семинар-тренинглар, мастер-класс тадбирларини ўтказиб бориш чораларини кўриш;

Осиё ва Параосиё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясини аъзоларининг қатнашиши учун уларни спорт анжомлари, расмий либос ва спорт экипировкаси билан таъминлаш;

Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргалик-

да Осиё ва Параосиё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясини аъзоларини тантанали кузатиш ва кутиб олиш тадбирларини юқори савияда ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

9. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Ш.Ташматов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) миллий терма жамоа аъзоларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш мақсадида:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази (кейинги ўринларда — Марказ) фаолиятини янада такомиллаштириш;

спортчиларнинг ўқув-йиғин машғулотлари ва мусобақалар даврида жисмоний ҳолатини тиббий қўриқдан ўтказишга мўлжалланган мобил лабораториялар фаолиятини ташкиллаштириш ва уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш;

спорт турлари бўйича терма жамоаларга тиббиёт ходимларини Марказ орқали бириктириш ва жалб этиш тизимини йўлга қўйиш;

Марказ иш фаолияти унумдорлигини ошириш мақсадида маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

10. Белгилансинки:

Марказ фаолиятини яхшилаш мақсадида NexION 1 000 (мастер-спектро-метр Perkin Elmer) ва мобил криокамера тиббий асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 2022 йилда фаолияти тугатилган “Соғлом турмуш тарзи” платформасига ажратилган маблағлар доирасида 5 миллиард сўм йўналтирилади ва 2023 йилда қўлма лаборатор таҳлилларни ўтказиш мақсадида 1 дона автобус харид қилиш учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағлар кўзда тутилади;

Марказ учун талаб этиладиган бошқа тиббиёт жиҳозлари ва асбоб-ускуналарни харид қилиш Марказнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Мудофаа вазирлиги (Б.Қурбонов), Миллий гвардия (РДЖураев) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда Осиё ва Параосиё ўйинларига тайёргарлик қўраётган спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг ташкил этиладиган спорт мусобақалари, ўқув-машғулот йиғинлари даврида таълим муассасаси ўқув дарсларидан, иш фаолиятидан белгиланган тартибда озод қилинишини ва спорт тадбирларида ўз вақтида иштирок этишини таъминласин.

12. Миллий антидопинг агентлиги (Н.Турсунов):

спортчилар томонидан антидопинг қоидаларига қатъий риоя қилиниши устидан самарали назоратни амалга оширсин;

спорт федерация (ассоциация)лари билан биргаликда режа-график асосида семинар-тренинглар ташкил қилиб босин;

Ўзбекистон спорт делегациясини аъзоларини антидопинг мавзуларига оид тегишли ўқув-ахборот материаллари ва турли кўргазмали маълумотлар билан таъминласин.

13. Ташқи ишлар вазирлиги (В.Норов):

Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон

Миллий паралимпия қўмитаси буюртманомасига мувофиқ Осиё ва Параосиё ўйинларига тайёргарлик даври мобайнида терма жамоа аъзолари учун хорижга чиқиш ҳужжатларининг тезкорлик билан расмийлаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон спорт делегациясининг Пекиндаги “Бейжинг” ҳамда Ханжжоудаги “Сяошань” (Хитой) халқаро аэропортларида иммиграция назоратидан ўтишига кўмаклашсин.

14. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов):

Ўзбекистон спорт делегациясини аъзоларининг Осиё ва Параосиё ўйинларида қатнашиши учун уларнинг хорижга чиқиш биометрик паспортлари тезкорлик билан расмийлаштирилишини таъминласин;

кузатиш ва кутиб олиш тадбирларида хавфсизлиқни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, Ўзбекистон спорт делегациясини транспорт воситалари кузатувини ташкил этиш бўйича зарур ташкилий чораларни кўрсин.

15. Транспорт вазирлиги (И.Махкамов):

Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси талабномаларига асосан жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ханжжоу шахрига (Хитой) рейслар ташкил этилиши, шунингдек, Ўзбекистон спорт делегациясини учун авиачипталар бронь қилинишини;

“Тошкент — Ханжжоу — Тошкент” йўналиши бўйича қўшимча чартер рейслари ташкил этилиши ва амалга оширилишини;

Ўзбекистон спорт делегациясини аъзоларига тегишли бўлган спорт анжомлари ва жиҳозларининг Ўзбекистон спорт делегациясини аъзоларини кузатиши ва кутиб олишни таъминласин.

16. Давлат божхона қўмитаси (А.Мавлонов) Ўзбекистон спорт делегациясини аъзолари ва уларнинг қўл юкларини (спорт овқатлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, спорт анжомлари, жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар ва препаратлар ҳамда бошқалар) божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш ишлари тезкорлик билан амалга оширилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Ш.Ташматов) ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда Ўзбекистон спорт делегациясини зарур бўлган тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва препаратлар билан таъминласин.

18. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Қўчимов) спортчиларнинг тайёргарлик жараёнида, ўқув-машғулот йиғинлари ҳамда Осиё ва Параосиё ўйинларида бевосита иштироки тўғрисида қисқа метражли видео-

роликлар ҳамда махсус кўрсатувлар тайёрланишини ва оммавий ахборот воситаларида доимий равишда кенг ёритилишини таъминласин.

19. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Ш.Ташматов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев), спорт федерация (ассоциация)лари ҳамда спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари томонидан Осиё ва Параосиё ўйинларига тайёргарлик қириш учун спорт анжомлари, жиҳозлар, ускуналар, делегация расмий либослари, спорт экипировкаси, спорт тиббиёти жиҳозлари, тиббий-биологик препаратлари харид қилиш, шунингдек, ўқув-машғулот йиғинлари бўлиб ўтадиган спорт базаларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, ётоқхона, спорт заллари ва спорт жиҳозлари ижараси ҳамда овқатланишни ташкил қилиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар қонунчиликда белгиланган тартибда давлат харидларининг асосий принципларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилсин.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

жойларда олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида спорт федерация (ассоциация)лари ҳудудий бўлинулариининг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамласин;

туман (шаҳар)ларда тегишли спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин;

Осиё ва Параосиё ўйинларига тайёргарлик қўраётган миллий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва бошқа мутахассисларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватласин, уларнинг маиший шароитларини яхшилаш бўйича масъулларни бириктирсин;

ҳудудий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва бошқа спорт мутахассисларининг республика ва халқаро спорт тадбирлари ҳамда ўқув-машғулот йиғинларида узлуксиз иштирокини таъминлаш чораларини кўрсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири А.И.Икрамов, спортни ривожлантириш вазирининг ўринбосари Ш.Ш.Махмудов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Р.Ташматов ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси М.М.Ташходжаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, икром учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

МУНОСАБАТ

Йўллар равон бўлса, манзил яқин, кўнгил хотиржам

Йўл солиш, кўприк қуриш энг савобли амаллар сирасига киради. Бу азалий тушунча миллий қадриятларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Негаки, кичик бир йўл ёки кўприк бунёд этилиши туфайли қанчадан-қанча одамларнинг мушқули осонлашиб, манзили яқинлашади.



Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда мамлакатимизда жами юкларнинг 90 фоизидан ортиги, йўловчиларнинг эса 80 фоизидан зиёди автомобиль йўллари орқали ташилмоқда.

Албатта, сўнгги йиллардаги мамлакат инфраструктурасида ривожига қурилаётган автомобиль йўллари, кўприк ва йўл ўтказгичларнинг салмоғи ортиб бораётган. Бу тараққиётимиз жадаллашиб бораётганидан далolat. Зеро, равон йўллар аҳоли турмуш фаровонлиги, мамлакат тараққиётини белгиловчи мезонлардан биридир.

Бир пайтлар Сергели тумани яқин йилларда улкан қурилиш майдонида айланади, деса ҳеч ким ишонмасди. Президентимиз ташаббуси билан охириги йилларда Сергели ва Янгиҳаёт туманларида 800 га яқин кўп қаватли уй қурилади. Натижада узoқ йиллар бошпанасиз бўлган минглаб оила ўз уй-жойига эга бўлди.

Бугун бу ўзгаришларни одамлар кундалик ҳаётида сезмоқда, ҳис этмоқда. Тумандаги кенг кўламли ислохотлар самарасини узоғимизни яқин қиладиган равон йўллар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Чунки ўтган даврда бу ҳудудда муҳташам кўприклар, ер ости ва ер усти метро йўлларини қуриш кўлами ва сифати тобора ортиб бораётган.

Инчунин, йўл равон бўлса, манзилимиз беҳатар, ишимиз осон бўлади. Аммо шу пайтгача Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автомобиллар асосан, битта йўл —

Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланар эди. Соатига 4 мингта автотранспорт қатновига мўлжалланган бу йўлда аслида юклама жуда катта. Шу сабабли бу кўча эрталаб ва кечки пайтларда тирбанд бўларди.

Кейинги йилларда туман янада гўзаллашиб, бош кентимизнинг энг чиройли, обод гўшаларидан бирига айланиб бормоқда. Яқинда пойтахтимизда очилган янги йўл ва кўприклар бунга яққол мисолдир. Зеро, янги қурилган йўл соати-га 12 мингтагача автотранспортни ўтказиш қувватига эга бўлиб, бу тирбандлик муаммосини бартараф этиш билан бирга, пойтахт аҳолисига жуда катта қулайлик яратди.

Президентимиз шу йил 3 май куни ушбу транспорт иншоотини бориб кўрди. Унинг қурилиши 2020 йил августда бошланган эди. Лойиха доирасида 6,5 километр узунликдаги 6 тасмали автомобиль йўли, 6 та кўприк қурилди. Бу орқали Сергели туманидаги Қипчоқ кўчаси Як-касарой туманидаги Чўпонота ва Усмон Носир кўчалари билан боғланди.

Кўприклар, уларга чиқиш-тушиш қисмлари оқилона лойиҳалаштирилиб, йўлларга светорфорсиз уланishi имконияти яратилган авто-транспортлар бошқа йўллардаги қатновга тўхтовсиз, қулай тарзда қўшилиб кетишга замин яратди. Қувонарлики, янги йўл очилиши натижасида ҳавога зарарли газ чиқиши 3 баробар камайди, ҳар куни минглаб юртдошларимизнинг узоғини яқин қилиб, уларни манзилларига тезроқ етиши учун имкон яратди.



Яна бир муҳим жиҳати шундаки, йўл бўйларига энергия тежамкор ёриткичлар, узум ишқомлари ҳам ўрнатилган. Бўш майдонлар қўқаламзорлаштирилиб, пийдалар йўлагаи ва велойўлакчалар ташкил этилган. Бу, ўз навбатида, юртимизда йўлсозлик тобора ривожланиётгани, йўл қурилиши борасида энг замонавий талаблар асосида иш тутилаётганидан далolat беради.

Шу ерда Тошкент шахрида автомобиль йўллари қуриш ва шаҳар транспорт тизимини тако-

миллаштириш таклифлари тақдимоти ўтказилди. Очилган янги йўлни давом эттириб, Сергели туманини айланиб ўтувчи халқа йўлигача 6 километрли йўл барпо этиш лойиҳаси маъқулланди.

Президентимиз айтганидек, ҳамма жойда йўл қуриб ёки кенгайтириб бўлмайди. Кўп нарса қатновни тўғри ташкил этишга ҳам боғлиқ. Энди йўллар, чорраҳаларнинг ўтказувчанлигини ошириш, рақамлаштириш орқали аҳолига қулайлик яратиш асосий вазифага айланади.

ШХТ ФОРУМИ ОЛДИДАН

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ — ИШОНЧ ВА ЎЗARO АНГЛАШУВ ПЛАТФОРМАСИ

Бошланиши 1-бетда

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Сенатнинг Ёшлар, маданият
ва спорт масалалари кўмитаси
раиси:



— Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида ШХТга аъзо мамлакатлар билан узвий алоқаларни янада ривожлантириш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Дунё аҳолисининг ярмини бирлаштирувчи, Евроосиё ҳудудининг 61 фоизини эгаллаган мамлакатлар иштирокидаги ШХТнинг асосий фаолият йўналиши иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлиқни мустаҳкамлашга қаратилган. Ташкилотнинг асосий мақсади ушбу устувор йўналишлар орқали умумий тараққиётга эришидир.

Айни пайтда бу нуфузли халқаро ташкилотга Ҳиндистон, Қозғистон,

Хитой, Қирғизистон, Покистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон доимий аъзо ҳисобланади. Афғонистон, Эрон, Беларусь ва Мўғулистон кузатувчи мақомига эга. Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа, Непал, Туркия ва Шри-Ланкага эса мулоқот бўйича ҳамкор мақоми берилган.

ШХТ давлатлари ўзаро муносабатларда “Шанхай руҳи”га амал қилади. “Шанхай руҳи” ибораси қарорларни консенсус асосида қабул қилиш, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хилма-хилликка ҳурмат билан ёндашув, биргаликда тараққий этишга интилиш тамойилларига қатъий амал қилиш демакдир.

“Халқ дипломатияси — тараққиёт сари ўзаро ҳамжиҳатлик” мавзусидаги халқаро тадбир эса ана шу мақсадларга олиб беришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли. Айтиш мумкин, нуфузли тадбир, ўз навбатида, ШХТ маконида ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, кўп тармоқли ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада мувозанатли иқтисодий, ижтимоий, маданий ўсишни таъминлаш учун ҳам муҳим платформа бўлади.



66

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШХТ ДОИРАСИДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИНИ ФАОЛ ИЛГАРИ СУРАЁТГАН ДАВЛАТЛАРДАН БИРИ. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, БУ ОХИРГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИБ БОРАЁТГАН ОЧИҚЛИК ВА КЕНГ ҲАМКОРЛИККА АСОСЛАНГАН ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ БЕВОСИТА МАҲСУЛИДИР.

Раҳматулла НУРИМБЕТОВ,
Ўзбекистоннинг ШХТ ишлари
бўйича миллий координатори,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа
доктори:

— ШХТга аъзо давлатлар жойлашган минтақа азалдан жаҳон цивилизациялари чорраҳаси бўлиб келган. “Буюк йпак йўли” номи билан тарихга кирган қитъалараро транспорт, сав-



до, маданий ва илмий алмашинувлар йўли бу маконда тараққиётнинг ўзаро боғлиқ шаклланишини белгилаб берган.

XX аср бошида Евроосиёнинг катта бир қисмида ШХТ ташкил топиши ва ривожланиши ушбу кадрлар ўтказиш асосида замонавий ҳамкорлик модели юзга келишига туртки бўлмоқда. ШХТ мамлакатлари халқлари ўртасида бу тарихий яқинлик бугун ташкилот доирасида маданий ва гуманитар соҳалардаги алоқалар изчил ривожланишга хизмат қилаётди.

Турли халқлар ўртасидаги муносабатларда муҳим аҳамият касб этаётган ва кейинги пайтларда халқаро муносабатларда кенг қўлланилаётган халқ дипломатияси воситаларидан фойдаланиш истаги ШХТнинг “генетик коди”га киритилган, дейиш мумкин. Ташкилотнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ яқин тарихга назар бу ҳолатни яқиндан тушуниб олиш имконини беради.

Маълумки, ШХТ дастлаб 1990 йилларда собиқ Совет иттифоқининг парчаланишидан кейин Қозғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон чегаралари билан боғлиқ ҳолда шакллانган. Бунга ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ушбу давлатлар ўртасида фаолият кўрсата бошлаган дўстлик жамиятлари ҳам муҳим туртки бўлган.

Қолаверса, “Шанхай руҳи”нинг асл моҳияти халқ дипломатияси илгари сурадиган ғоялар билан ҳамоҳанг. Булар — ўзаро ишонч, манфаат, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хилма-хил-

лиқни ҳурмат қилиш, умумий тараққиётга интилиш каби асосий қоидалар.

Ўзбекистон Республикаси ШХТ доирасида халқ дипломатиясидан кенг фойдаланиш масалаларини фаол илгари сураётган давлатлардан бири. Таъкидлаш жоизки, бу охириги йилларда мамлакатимиз олиб бораётган очкилик ва кенг ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсий фаолият стратегиясининг бевосита маҳсулидир.

Хусусан, Ўзбекистон Президенти ташкилотнинг 2017 йил Остонада бўлиб ўтган саммитида ШХТ доирасида халқ дипломатияси институтларини таъсис этиш ташаббусини илгари сурди. Ушбу ташаббусни ҳаётга табиқ этиш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 26 июндаги қарори билан Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилди.

Мана, қарийб тўрт йилдики, ушбу марказ ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқалар ва маслаҳатлашувларни мустаҳкамлашга, англашув ва ишончни кучайтиришга, узок муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Ўтган йилдан буён ташкилот доирасида халқ дипломатияси мавзусига бағишланган йирик тадбирлар ўтказиш аънанаси бошланди. 2021 йилнинг июнида Хитой Халқ Республикаси раиси ташаббуси билан Ухань шаҳрида онлайн шаклда илк марта ШХТ Халқ дипломатияси форуми бўлиб ўтди. Тадбир доирасида “Савдо ва тижорат соҳаларидаги ҳамкорлик”, “Тараққиёт йўлида маърифатли жамият”, “Биродар шаҳарлар”, “Соғлиқни сақлаш”, “Қишлоқ жойларини ривожлантириш ва қашлоқликка барҳам бериш” мавзуларида кенг фикр алмашувлар ўтказилди.

Ушбу аънанани давом эттириш ҳамда ШХТ доирасида халқ дипломатияси институтининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан шу йил 11-12 май кунлари Тошкент шаҳрида ШХТ Халқ дипломатияси иккинчи форуми ўтказилиши белгиланган. Бу Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги даврида киритилган энг муҳим тадбирлардан бири.

Анжуманда кўплаб хорижлик сиёсий арбоблар, парламентарийлар, фуқаролик институтлари вакиллари ва экспертлар иштирок этиши кутилмоқда. Ишончимиз комилки, “Тошкент — 2022” форуми ШХТ Халқ дипломатиясининг тараққиёт тарихида муҳим саҳифани очиб беради.

66

ТУРТИ ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТГАН ВА КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА КЕНГ ҚўЛЛАНИЛАЁТГАН ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТАГИ ШХТНИНГ “ГЕНЕТИК КОДИ”ГА КИРИТИЛГАН, ДЕЙИШ МУМКИН. ТАШКИЛОТНИНГ ПАЙДО БўЛИШИ БИЛАН БОғЛИҚ ЯқИН ТАРИХГА НАЗАР БУ ҲОЛАТНИ ЯқИНДАН ТУШУНИБ ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

Қобилжон СОБИРОВ,
Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси
маркази директори:

— ШХТ доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган, пухта ўйланган, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қирқдан зиёд тақлиф тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Халқаро сиёсатда изчиллик билан амалга оширилаётган ушбу ислохотлар аслида амалиётда синовдан ўтган пухта изланишларнинг ижобий маҳсули ҳисобланади.

ШХТнинг 20 йиллиги муносабати билан 2021 йили Душанбеда ўтган саммитта Ўзбекистон Президенти илгари сурган “ШХТ — эзгу ният элчиси” институтини ташкил қилиш ғояси Халқ дипломатия марказини яратиш борасида 2017 йилдаги тақлифнинг изчил давоми сифатида халқ дипломатиясини яна бир поғона юқорига кўтарди.

Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази томонидан ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлараро, динлараро тотувликни мустаҳкамлашга, цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга, илмий-маърифий соҳаларда ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, фуқаролик жамияти ташкилотла-



ри билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида ШХТ халқлари маданияти ҳақидаги билимларни янада чуқурлаштириш, халқлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, маданиятлар ранг-баранглигини асраш каби муҳим мақсадларга қаратилган турли давра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар, ижодий кечалар ўтказилди.

Марказ ўз фаолиятини ташкилотга аъзо давлатларнинг нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, маслаҳат ва биргаликда ривожланиш истагини ўз ичига олган “Шанхай руҳи” тамойилларини фаол

тарғиб қилишга қаратмоқда. Ёшлар ўртасида халқ дипломатияси тушунчаларини шакллантириш, халқлар орасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ва манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, миллий ва аънанавий қадриятларни асраб-авайлаш, ШХТ халқлари урф-одатлари ва аънаналарини яхшироқ ўрганиш мақсадида юртимиз олий ўқув юртлири талабалари орасида халқ дипломатияси мавзусида иншолар кўрик-танловни ўтказиб келинмоқда.

Ўтган йили Тошкентда, жорий йилда Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида ташкил этилган “ШХТ модели” интерфаол ўйинлари ёш дипломатлар

ҳаётида ўчмас из қолдиргани шубҳасиз. Ҳар йили 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан марказ томонидан ШХТга аъзо давлатлар ўғил-қизлари ўртасида расмлар кўргазмасини ташкил этиш ҳам яхши аънанага айланди.

Марказ ташаббуси билан 2019 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида “ШХТ билимлар зали” очилди. Унда ташкилотга аъзо, кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлар тарихи, аънаналари, урф-одатларига оид 500 га яқин адабиёт жамланган. Ҳамкор ташкилотлар кўмағида улар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Шунингдек, марказ томонидан ўзбек тилида “Саккиз элнинг саксон саккиз эртаги”, “Саккиз элнинг сон-саноксиз ўғити”, “Саккиз элнинг саксон буюк сиймоси” китоблари, “ШХТ мамлакатларининг почта маркалари” эсдалик альбоми нашр қилинди. Халқ дипломатиясининг янада кўплаб мақола ва ахборот-таҳлилий материаллар чоп этилди.

“Тошкент — 2022” форуми жараёнида тақдимот тадбири бўлиб ўтадиган “Юракдан юракка интилувчи дипломатия” китоби ҳам халқ дипломатияси мазмун-моҳиятини кенг ёритишга, мазкур йўналишда Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот олишга хизмат қилади.

“Халқ дипломатияси — тараққиёт сари ўзаро ҳамжиҳатлик” мавзусидаги “Тошкент — 2022” форуми нафақат Ўзбекистонда, балки ШХТ маконида ҳам халқ дипломатиясининг янада ривож топишига кўмаклашадиган ўзига хос навбатдаги босқич бўлиб қолади.

66

БЕШАФҚАТ УРУШ ТУФАЙЛИ БЕШТА ПАҲЛАВОН ЎғЛИДАН АЖРАЛГАН ЗАНГИОТА ТУМАНИ ХОНОБОД ҚИШЛОҒИДАГИ ЗУЛФИЯ АЯ ВА У ҲАҚИДА ЯРАТИЛГАН “ИЛҲАҚ” ФИЛЬМИ АСЛИДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ УЧУН ЭНГ ЁРҚИН МАНБА.

Шу маънода, жаҳон халқлари тарихида бўлгани каби юртимиз ўтмиши ҳам кўплаб мураккаб масалаларни ҳал этишда оқила, олимпиа аёлларимизнинг фаол иштирок этганига эътибор қаратиш мақсадида мувофиқ.

Дарҳақиқат, инсон турмуш тарзи билан яқол ибодтини топадиган халқ дипломатияси йўналишида аёлларнинг фаоллигидан янада кенгроқ фойдаланиш зарур. Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси марказининг бу борадаги изланишлари эътиборга молик. Хусусан, бунга “ШХТ лидер аёллари форуми”ни мисол қилиб кўри-

сатиш мумкин. Марказ ҳар йили ШХТга аъзо давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихона ва ваколатхоналарида фаолият юритаётган хорижлик аёллар билан юртимиз сенатор, депутат, олимпиа, фан ва маданият соҳасидаги таникли хотин-қизлари ўртасидаги турли учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этаётгани ҳам халқ дипломатиясида хотин-қизлар иштироки тобора кенгайиб бораётганини таъминламоқда.

Юртимиз имижини янада юксалтиришда аёлларнинг, шу жумладан, спортчи қизларимизнинг иштироки

сезиларли даражада ошаётгани қувонарли ҳол. Бугун Ирода Тўлағановани дунё танийди. Барча спорт мухлислари Оксана Чусовитинаниннг кўп йиллик ютуқли “рекорд”ларига ҳавас билан қараши тайин.

Бешафқат уруш туфайли бешта паҳлавон ўғлидан ажралган Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги Зулфия ая ва у ҳақида яратилган “Илҳақ” фильми аслида халқ дипломатияси учун энг ёрқин манба.

Ўзбекистон халқ шоираси — Зулфия ҳаёти ва ижодини олайлик. Ўттиз ёшга кирмасдан икки фарзанди билан бева қолган шоирамиз кейинги ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида ҳам халқимизнинг яна бир сеvimли шоири — Ҳамид Олимжонга бўлган севгисига содиқ қолди. Бундай буюкликка эришиш осон эмас. Бу матонатни шарқ аёлининг вафоси, шарқ онасининг кучли иродаси сифатида халқ дипломатияси орқали ҳам тарғиб этишни кучайтириш зарур.

Гулчеҳра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети ректори:



— Минтақавий тараққиётимизда ШХТга аъзо давлатлар муносабатларидаги халқ дипломатияси ривожланиш йўналишларини аниқлаш, ушбу замонавий соҳанинг ўрни ва ҳиссасини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Равшан ЭРМАТОВ,
Миллий олимпия кўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари:



— Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, спорт юрти тез танитади, халқларни бир-бирига жипслаштиради, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Спортга бўлган эътиборга ёшларимиз ҳам муносиб жавоб бермоқда. Юртимиз спортчиларининг халқаро мусобақаларда фаол иштирок этаётгани, дунё бўлаб Ўзбекистон мадҳияси тобора кўпроқ янграётгани, юртимиз байроғи халқаро мусобақалар минбарига тез-тез кўтарилаётгани фикримга далилдир.

Спортчилар, таъбир жоиз бўлса, халқ дипломатиясининг энг ёрқин вакиллари. Ҳар бир спортчи халқ вакили бўлганидек, спорт дипломатияси ҳам халқ дипломатиясининг ажралмас бўлага ҳисобланади.

Шундай экан, “Тошкент — 2022” форуми юртимизда спортни ривожлантириш негизларининг яна бир муҳим қирраси халқаро миқёсда эътироф этилаётганига ишорадир.

Айтиш мумкинки, спортдаги ҳар бир халқаро ютуқ халқ дипломатиясининг

Дилноза КАТТАХОНОВА,
Ёшлар ишлари агентлиги директори
ўринбосари:



— Жамият ҳаётида алоҳида ижтимоий қатлам ҳисобланган ёш авлодга эътибор қаратиш, улар имкониятларидан кенг фойдаланиш халқ дипломатиясига юкланган вазифаларнинг муҳим қисmini ташкил этади. Ёшлар ишлари агентлигининг Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази муассисларидан бири экани ҳам бунни тасдиқлайди.

Халқ дипломатияси соҳасида ёшлар ташкилотларининг иштирокида икки муҳим жиҳатни ажратиш мумкин. Биринчидан, ёшлар халқларнинг ўзаро дўстлигини жипслаштиришда асосий куч ҳисобланса, иккинчидан, ёшларнинг ўзи ҳам халқаро муносабатлар иштирокчиси сифатида шаклланиб, ўзларининг билим ва тажрибаларини муттасил ошириб боради.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабалари ўтган йили ташкил этган “ШХТ модели” интерфаол ўйинига бу борадаги илк изланишлардан бири сифатида қараш мумкин.

Жорий йилда Ўзбекистон ва Тожикистон талабалари ҳамкорликда ташкил этган “ШХТ модели” интерфаол ўйинига бу борадаги илк изланишлардан бири сифатида қараш мумкин.

Ишонаманки, “Тошкент — 2022” халқаро форуми ҳам юртимиз ёшлари орасидан кучли дипломатлар етишиб чиқишига муносиб ҳисса қўшади.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.**

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Бошланиши 1-бетда

Жорий йилнинг 25-27 апрель кунлари пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро кўргазмаси ана шундай манфаатли келишувларга бой бўлди. Юртимизда иккинчи бор ўтказилган мазкур кўргазма аввалгисига нисбатан кўлама жиҳатидан янада кенгайганига ишонч ҳосил қилдик. Бу гал Тошкент хорижлик йирик инвестор ва юқори мартабали меҳмонларга нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасининг инвестициявий ҳамда иқтисодий салоҳияти билан танишиш, ўзаро конструктив мулоқот учун қулай майдон яратиб берди.

Йирик саноат ҳафталигида дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан 700 дан ортиқ ишлаб чиқариш компаниялари ва бизнес делегациялари иштирок этди. Қатнашчилар кўргазма майдонининг турли бўлимларида ўз маҳсулотларини намойиш этиш баробарида, B2B учрашувларда ўзаро мулоқот қилиб, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Сўхбатлар давомида саноатни ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва истиқболли механизмлари, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш йўллари, иқтисодий ўсишнинг омилли сифатида саноат инновацияларини жорий қилиш имкониятлари белгилаб олинди. Тадбирлар ва бизнес учрашувлар натижасида самарали инвестициявий битимлар, экспорт ва импорт шартномалари ҳамда келишувларга эришилгани кўргазманинг асосий жиҳатларидан бири бўлди.

Электромобиллар даври келяпти(ми)?

Меҳмонлар ҳафталик доирасида юртимизнинг турли ҳудудлари, қатор корхона ва ташкилотларида бўлиб, иқтисодий, саноат ва инвестициявий имкониятларимиз билан бевосита танишди. Инвесторлар учун яратиб берилган шароит ва имкониятлар уларда катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатимизнинг сўнгги йиллардаги иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини ҳам юқори баҳолашди. Бу жиҳатлар ташқи ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, юртимизнинг хориж давлатлари билан савдо айланимаси ўсиб бораётганида ҳам кўзга ташланаётгани таъкидланди.

Саноат кўргазмасининг илк куниданоқ Россия ва Ўзбекистон томони янги ҳамкорлик келишувлари ўрнатишга қиришди. Хусусан, Россиянинг Омск вилояти ва Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси”, Навоий ва Нижний Новгород вилоятлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ва бошқа қатор битимлар имзоланди.

Меҳмонлар электротехника саноатига ҳам катта қизиқиш билдирди. Шу йўналишдаги маҳаллий корхоналар МДХ мамлакатлари компаниялари билан истиқболли лойиҳалар бўйича келишувга эришди.

Мирзиёхон ЮНУСОВ,
“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси
раиси:



— Нуфузли кўргазма доирасида “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси томонидан электротехника саноатини ривожлантириш, ушбу йўналишда қўшма лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, пировардида, янги экспорт бозорларига чиқиш мақсадида йирик саноат компаниялари билан икки томонлама битимлар имзоланди. Биргина Россиянинг “Энергоразвитие” бошқарув компанияси билан умумий қиймати 15 миллион долларлик 2 та келишув шартномаси тузди. Унга қўра, томонлар электромобиллар учун қувватлаш ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича 2023-2025 йилларга мўлжалланган янги лойиҳани амалга оширади.

Биламизки, охириги йилларда электромобилларга талаб ошиб борапти. Бундай автомобиллар нафақат экологик тоза, балки анчайин камҳаржлиги билан харидорларни ўзига жалб этмоқда. Қолаверса, “яшил энергетика”га ўтиб, атроф-муҳитга қақётган захарли газлар миқдорини максимал даражада камайитиришни мақсад қилган дунё



мамлакатлари кўпроқ электрон транспорт воситаларидан фойдаланиш тарафдори.

Юртимизда ҳам бу жараён фаоллашиб борапти. Пойтахтимиз кўчаларида электробуслар ҳаракатлана бошлади. Электромобиллар сони ҳам сезиларли ошган. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қўра, жорий йил январь-март ойларида Ўзбекистон 9 та хориж давлатидан қиймати 13,5 миллион долларга тенг бўлган 455 та электромобиль импорт қилган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,4 баробар кўп. Электр токида ҳаракатланадиган транспорт воситаларини ўзимизда ишлаб чиқариш ишлари ҳам бошланган. Фарғонада Хитой компанияси билан ҳамкорликда электромобиль ишлаб чиқариш лойиҳаси якуний босқичга етиш арафасида. Тошкент шаҳри ва Қўқонда эса электр скутерлар ишлаб чиқариш тўлиқ ўзлаштирилди.

Бу жараён электр қувватлаш шохобчаларига бўлган талабни ҳам ошириб борапти. Шунга мос равишда “Тошэлектрораппарат” ЖК томонидан электромобилларни қувватлаш ускунаси маҳаллийлаштирилиб, 2021 йилдан ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳанинг йиллик қуввати 200 донани ташкил этади. Ҳозирда ушбу қурилма Тошкент шаҳрининг 8 та нуқтасида ўрнатилган. Эндиликда, уларни маҳсус станция кўринишида Фарғона водийаси йўли, Самарқанд ва Жиззах йўналишларидаги қатнов қисмига ўрнатиш режалаштирилган.

Аммо бу мавжуд талабни тўлиқ қоплаш учун ҳозирча етарли эмас. Россия томони билан имзоланган келишув асосида бу борадаги ҳажм янада ошади. Шунингдек, ҳамкорлар томонидан энергетика соҳасидаги объектларни комплекс лойиҳалаштириш бўйича ташкилот тузилиб, соҳадаги техник ходимларни ўқитиш, қайта тайёрлаш маркази ҳам ташкил этилади. Ташкилот вакилларининг фикрича, кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар маҳсулотларининг экспорт имкониятларини янада кенгайтириб, янги бозорларга йўл очади.

Саноат кўргазмаси давомида, шунингдек, “Русэлектро” электр маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар миллий уюшмаси билан аниқлашув меморандумини имзоладик. Мазкур уюшма ўз таркибда электр энергетика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик компанияларни бирлаштирган. Эндиликда, биз ана шу компания вакиллари билан янги истиқболли инвестиция лойиҳалари

рини амалга оширишимиз мумкин. Бу борада дастлабки учрашувлар ўтказилиб, лойиҳаларни ишлаб чиқиш механизмлари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Яқин ва узоқ муддатларга режалаштирилган лойиҳалар бирин-кетин ишга туширилади.

Халқаро кўргазмада “Ўзэлтехсаноат” уюшмасининг аъзо компаниялари ҳам фаол иштирок этди. Музокаралар давомида “Yuqori Chirchiq Energy Systems” МЧЖ билан Беларусь Республикасининг “EnergoKomplekt” ИЧБ МЧЖ ўртасида умумий қиймати 5 миллион долларлик, Татаристоннинг “ТЭСК” корхонаси билан эса 1 миллион долларлик ҳамкорлик бўйича келишувларни имзолашга эришди. Беларусь ва Татаристон компанияларининг асосий фаолияти кабель-сим маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишдан иборат. Улар мазкур бозорда узоқ йиллик тажрибага эга.

Бу борада юртимизда ҳам охириги йилларда юқори ўсиш кузатиляпти. Жорий йил биринчи чораги якунларига қўра, “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига аъзо корхоналар томонидан

1,5 триллион сўмга яқин кабель-сим маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. 20 турдаги маҳсулотлар 30 дан ортиқ давлатга экспорт қилинди. Экспорт ҳажми 106,3 миллион долларни ташкил этмоқда. Юқоридаги келишувга қўра эса, Ўзбек — Беларусь қўшма корхонаси ташкил этилади. Хорижий компания билан ҳамкорлик орқали иккала томоннинг ҳам савдо ҳажми ортиши кутилмоқда.

Умуман, “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” саноат ҳафталиги кўплаб маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун хорижий ҳамкорлар топиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларга чиқиш каби имкониятлар майдонига айланди. Инвестицион лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодий ривож, аҳоли фаровонлиги ва бандлик даражасининг ортиши, саноат маҳсулотлари экспортининг сезиларли ўсишига хизмат қилади.

Тўқимачилик саноатида янги ҳамкорлар

Жорий йил 10 март куни “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан Ўзбек пахтасига нисбатан бойкот бекор қилинган, юртимизнинг муҳим хомашёси ва у асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қўйилган глобал тақиқ ечилди, дунё ҳамжамиятининг мамлакатимиз тўқимачилик саноатига қизиқиши янада ортди. Кўплаб хорижий давлат ва компаниялар бу борада ҳамкорликка тайёр эканлигини билдир-



моқда. Халқаро саноат кўргазмасида ҳам айнан тўқимачилик соҳасидаги келишувлар салмоғи юқорилигини кўриш мумкин.

Илҳом ҲАЙДАРОВ,
“Ўзтўқимачилик саноат”
уюшмаси раиси:



— Пойтахтимизда ўтган халқаро саноат ҳафталиги маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар учун янги битимлар имзолаш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда фаол платформа вазифасини бажарди. Кўргазманинг биринчи куни меҳмонларни Корея — Ўзбек тўқимачилик технопаркига тақдир этдик. У ерда Россия Федерациясининг Савдо ва саноат вазирлиги делегацияси билан амалга оширилган экспорт ҳажмлари ва келажақда қўтилаётган ҳамкорлик йўналишлари ҳақида сўз борди.

Ҳозирги кунда давлатлар ўртасида онлайн платформаларнинг ўрни ортиб борапти. Шу боис, “Сбермаркет” ва “Wildberries” каби электрон савдо майдончаларини ишга тушириш масалаларига алоҳида ург берилди. Бу борада замонавий ахборот технологиялари савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш, тезкор келишувларга эришишни янада фаоллаштиради.

Бу масаланинг бир томони. Асосий эътибор бевосита ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилди. Жорий йилнинг июнь ойида полиэфир пахта ипларини ишлаб чиқариш бўйича анжуман ўтказиш ва Москва ҳамда Тошкент шаҳарларида икки томонлама савдо уйлари ташкил этишни режалаштириб олдик.

Шу билан бир қаторда, Россиянинг Краснодар ўлкаси губернаторининг ўринбосари Руппель Александр билан мулоқот чоғида Ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари учун ҳамкорликда логистик марказ ва омборхона ташкил этиш, ўлкадаги меҳмонхоналарга сочик, чойшаб ва бошқа тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Шунингдек, Чеченистон делегацияси ташрифи давомида улар билан ушбу давлатда ўзбек тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини ишга тушириш ҳамда пахта етиштириш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш тақлифи билан бирга, Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларининг бозорларига кириб боришини таъминлашда преференция ва имтиёзлар ишлаб чиқиши, Ўзбек — Чечен қўшма корхонаси ташкил этилишида инвесторларни аниқлаш бўйича келишиб олдик.

Тожикистоннинг Сўғд вилоятидан келган вакиллар билан ҳам қатор келишувларга эришилди. Хусусан, Хўжанд шаҳрида 10 дан ортиқ ўзбек ишлаб чиқарувчиларига жой ажратилган бўлди. Тожикистондаги мазкур тўқимачилик савдо нуқталари маҳаллий корхоналаримизда тайёрланган маҳсулотлар билан тўлдирилди. Қолаверса, Хўжанд шаҳрида жойлашган 40 минг квадрат метр бино-ишоотларда инвестиция киритиш асосида ўзбек гиламларини ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Бошқа давлатлар ҳам тармоқ истиқболига ишонч билдиргани ҳолда, янги лойиҳалар бўйича қатор келишувлар имзоланди.

Умуман, бугун жаҳонда тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган ва талаб юқори тармоқлар-

дан бири саналади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон бу борада илдам ҳаракатламоқда, десак муболага бўлмайди. Боиси, бундан 5-6 йил олдин пахта толасининг асосий қисmini хомашё сифатида экспорт қилардик. Пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирадиган корхоналар сони саноқли эди. Сўнгги йилларда бу жараён тубдан ўзгарди.

Пахта-тўқимачилик соҳасида ишлаб чиқаришнинг кластер тизимига ўтилиб, қулай агробизнес муҳити яратилди. Замонавий жиҳозлар ва илгор технологиялар билан таъминланган йирик корхоналар ишга тушди. Уларда пахта толасини чуқур қайта ишлаш занжири яратилди. Натижада 2016 йилда юртимизда етиштирилган пахта хомашёсининг 37 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 100 фоизга етди. Бу орқали калава-ип йигириш 2 баробар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 3 баробар ошди.

Биргина жорий йилнинг шу даврига қадар тармоқда умумий қиймати 51,6 миллион долларлик 10 та лойиҳа амалга оширилиб, 2 минг 600 нафар юрtdошимизнинг бандлиги таъминланди. Ўтган тўрт ойда 350 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, 23,6 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Дунёнинг 57 давлатига 1 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Бугунги кунда миллий брендларимиз остида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари импорт ўрнини босиб баробарида, жаҳон бозорига ҳам талабгир бўлиб бормоқда. Хориж давлатлари билан енгил саноат соҳасидаги ҳамкорлигимиз шунга мос тарзда янги босқичга кўтариляпти. “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасида бунга яна бир қарра амин бўлдик.

Маҳаллий экспортёрлар учун янги бозорлар очилмоқда

Сифатли маҳсулотга талаб доим юқори бўлади. Тадбиркор ўз маҳсулотини ички бозордан ташқари, чет элга олиб чиқа олса, даромади бир неча баробар ошади. Ўзбекистоннинг охириги йилларда дунё давлатлари билан очик ва фаол ҳамкорлиги мамлакат экспорт кўрсаткичлари ошишига хизмат қилляпти.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қўра, жорий йилнинг ўтган уч ойида мамлакатимизнинг ташқи савдо айланимаси 13,2 миллиард долларни ташкил этиб, шундан 5,8 миллиард доллари экспорт ҳиссасига тўғри келмоқда. Халқаро саноат кўргазмаси доирасида экспорт масалалари бўйича ҳам муҳим келишувларга эришилди.



Мухтор УМАРОВ,
Ўзбекистон Экспортчилар
уюшмаси раиси:

— Бугун юртимизда 6 мингга яқин экспорт салоҳиятига эга корхоналар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга берилган қатор имтиёзлар туфайли диёримизда етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг халқаро савдо ҳажми кенгайиб бормоқда. Айниқса, шираси тилни ёрдиган ўзбек меваларига дунё давлатларида қизиқиш юқори. Авваллари экспорт ҳажмининг катта қисми Қозоғистон, Россия, Қирғизистон сингари анъанавий бозорлар ҳиссасига тўғри келарди. Сўнгги йилларда тадбиркорларимиз учун янги бозорлар очилиши ҳисобига, экспорт географияси кенгайиб борапти.

Халқаро саноат кўргазмаси бу борада яхши ва самарали платформа вазифасини ўтади. Йирик компаниялар вакиллари билан учрашувлар ташкил этиб, музокаралар олиб бордик. Келишувларда ҳар икки томон манфаатдор бўлиши лозим. Шу боис, жараёнда ҳар қим ўз тақлифларини берди. Фойдала битимлар ҳам имзоладик.

Россиянинг Нижний Новгород вилоятидаги “Центр importa и импортозамещения” маркази вакиллари Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига катта қизиқиш билдирди. Улар билан қишлоқ ҳўжалик ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга ошириш бўйича келишиб олдик. Ҳамкорларимиз ўз вилоятида ана шу маҳсулотларимизнинг доимий импортни йўлга қўймоқчи.

Беларусь Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳам бу борада ўз истакларини билдирди. Улар билан қишлоқ ҳўжалик ва мева-сабзавот маҳсулотларини Беларусь бозорларига тўғридан-тўғри етказиб бериш бўйича ўзаро янги ҳамкорлик келишуви имзоладик. Ўтган йили мамлакатимиз Беларусь давлатига 14 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилган. Шундан 593 тоннаси гилос экспортга тўғри келади. Бу борада Ўзбекистон етакчи давлатлардан бири бўлиб, гилос етиштириш ва уни экспорт қилишда юқори 5 таликдан жой олган. Ҳамкор давлат жорий йил ҳам импорт кўрсаткичини янада ошириш истагини билдирди. Мазкур талаб маҳаллий экспортёр корхоналаримиз учун янада кенг имкониятлар зшигини очади. Эндиликда, агар тадбиркорлар ўз маҳсулотларини сифат мезонлари асосида йирик ҳажмда Беларусь давлатига экспорт қилишлари мумкин.

Биз бу борада экспортёрларни доим қўллаб-қувватлашга тайёремиз. Ҳозирги кунда Экспортчилар уюшмаси 400 дан ортиқ маҳаллий тадбиркорлар билан аъзолик шартномаларини имзолаган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда экспорт билан шуғулланаётган минглаб корхона ва тадбиркорларга маҳсулотларини чет давлатга чиқариш ҳамда шу билан боғлиқ масалаларни ҳал этишларида амалий ёрдам кўрсатиб келяпти.

Яқинда уюшма қошида “Ягона Марказ” лойиҳаси ишга тушди. Бу марказда кириш ва ўрта бизнес вакилларига юридик, логистика, халқаро савдо, хорижий инвестицияларни жалб қилиш сингари 20 дан ортиқ хизмат турлари кўрсатилади. Йўналишлар бўйича профессионал мутахассислар жалб этилган. Асосийси, марказга мурожаат қиладиган тадбиркорларнинг ҳар қандай муаммоси тез ва самарали ҳал бўлиши уюшма томонидан назоратга олинади.

Иннопром саноат кўргазмаси доирасида Россиянинг йирик халқаро ташкилоти — “Евроосиё халқлари уюшмаси” раҳбарияти билан ўтган учрашув ҳам муҳим тақлифларга бой бўлди. Улар Ўзбекистонда 55 та хорижий давлат иштирокида биринчи Умумжаҳон саммитини ўтказиш тақлифини берди. Биз ҳам кенг миқёсдаги учрашувлар ва ҳамкорлик тарафдоримиз.

Умуман олганда, саноат кўргазмасида билдирилган барча фикр-мулоҳазалар, ўтказилган мулоқотлар, имзоланган битимлар ягона мақсад — мамлакатлар ўртасидаги саноат ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, экспорт кўрсаткичлари, инвестицион лойиҳалар кўламини оширишга қаратилган. Бу лойиҳалар жаҳон бозорига янги брендлар пайдо бўлиши ва улар ўртасида соғлом рақобат шаклланишига хизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Баркамол Авлод тарбияси кун тартибдаги асосий вазифамиз бўлиб қолади

Инсон капиталини ривожлантириш Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги етти та устувор йўналишдан бири этиб белгилангани бежиз эмас. Чунки бу мақсадда сарфланган маблағ ва саъй-ҳаракат доим тўлиқ ўзини оқлагани тараққий этган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Шу маънода, бугун юртимизда таълим-тарбия соҳасига қаратилаётган эътибор ва йўналтирилаётган маблағ келгусида ўз самарасини беришига ишончимиз комил.



Ваҳобжон РАЖАПОВ, халқ таълими вазири ўринбосари



Президентимиз раислигида шу йил 5 апрель куни халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигининг таҳлили юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълим сифати, муаллимлар салоҳияти ва ўқувчиларнинг олийгоҳларга кириш кўрсаткичини ошириш билан бирга ўғил-қизларимизнинг тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган эди.

Бугун замонавий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири буюк аждодларимизнинг Ватанга муҳаббати, илм-фан равнақига қўшган бемисл ҳиссасини фарзандларимизнинг онгу шуурига

бўлган ўқувчи жалб этилган. Маданият ва санъат, техника, конструкторлик ва моделлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт, ҳунармандлик ва қўл меҳнати,

аксарият ҳолда қўлидаги телефон тарбияламоқда. Мобиль телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпична ёт маффурани тарқатадиган қуролга айланмоқда. Маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли гоёлар чегарани бузмасдан, билдирмасдан хонадонимизга, жамиятимизга кириб келяпти. Соат сари эмас, дақиқа сари кириб борапти. Буларнинг барчаси биз учун огоҳлик кўнгирағи бўлиб, янграши зарур, деган эди. Бу сўзлар биз, халқ таълими тизими ходимлари учун ўз вақтида сергакликка ундовчи чақириқ вазифасини ўтаганини таъкидлаш жоиз. Чунки бола қачон турли ёт гоёларга эргашади, бемаза ишлар билан шуғулланади? Албатта, бўш вақти кўп бўлса ва ундан унумли фойдаланиш имкони бўлмаса. Демак, биз ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, мактабдан ташқари вақтда уларга қўшимча янги билим ва кўникмаларни ўргатиш, турли маданий-маърифий тадбирларга жалб этишимиз зарур. “Баркамол авлод” болалар мактабларида кўзи порлаб, катта иштиёқ билан билим олаётган, ҳунар ўрганаётган ёшларни кўрганимизда кўнглимиз хотиржам тортса-да, ҳали бу борада қиладиган ишларимиз бисёрлигини англаймиз.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мактабдан ташқари таълим тизимини юксалтириш мақсадида 2022-2026 йилларда 217 та “Баркамол авлод” болалар мактабини ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш белгилангани ҳам масаланинг нечоғлиқ муҳим ва долзарблигини кўрсатиб турибди.

Президентимиз белгилаб берган вазифалар бугун “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятини самарали йўлга қўйиш билан бирга, қатор муаммолни вазиятлар ечимини топишда муҳим аҳамият касб этапти. У ерда меҳнат қилаётган педагог ходимлар ва мураббийларнинг фаолиятига муносабати, масъулияти кун сайин ошмоқда. Давлатимиз раҳбарининг эътибори туфайли “Баркамол авлод” болалар мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчилар қамровини ошириш, турли маданий тадбирларни кўпроқ ўтказиш орқали ўғил-қизларни тўғрақларга жалб этиш имконияти кенгайётганига гувоҳ бўлялмиз.

Бу борада халқ таълими тизимидаги барча педагог ва мураббийлар бор куч ва имкониятини ишга солган ҳолда, мактабларда замонавий тўғрақларни ишга тушириш, янгиланган ўқув дастурлари орқали ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашган ҳолда истеъдодини кашф этиш, янги билим ва кўникма, зарур касб-ҳунар ўргатишда фидойилик кўрсатади.

ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИДАН БЎЛАЖАК МУТАХАССИС АМАЛИЁТДА ТОБЛАНАДИ

Саодат МУҲАМЕДОВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети амалий филология факультети декани, филология фанлари доктори, профессор

Давлатимиз раҳбари жорий йил 4 март куни олий ўқув юртлари талабалари бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида берган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Талабаларимиз бир неча пуллик курсларни ҳам йўлга қўйиб олди. Университет раҳбарияти ташаббуси билан ташкил қилинган “Маржона” гузаллик салонига 2-курс талабалари Ирода Жўраева ва Махлиё Тўрақулова олийгоҳдаги аёллар ва қизлар учун стилистик хизматлар кўрсата бошлади. Қўвонарли жиҳати, қизлар хизмат кўрсатибгина қолмай, аёллар стилисти бўлишни истовчилар учун пуллик курс ҳам ташкил қилган.

Пуллик курслар ҳақида гап кетганида, “Рус тилини ўрганамиз” ўқув курсининг етакчи ўринда тургани аҳамиятли. Зеро, ёшларнинг тил ўрганишга бўлган эҳтиёжи юқори экани бугун шу каби ўқув курслари фаолиятида кўриниб турибди.

“Миллий тақинчокларни қўл меҳнати билан ясашни ўрганамиз” номи билан иш юритаётган ўқув курси ҳам талаба-қизлар учун қўшимча маблағ топиш имкониятини бермоқда. Университет спорт мажмуасида ташкил этилган Muay-tay тўғрари ҳам мазкур спорт тури ишчибозларини жамлай бошлади. Ўзбекистон чемпиони, талаба Мирзобек Рўзимовга тўғракини юритиш учун университет томонидан барча шароитлар яратиб берилган. Барча талабалар каби у ҳам даромад солиғидан озод қилинган.

Бу ерда мавжуд бошқарув, техник, хизмат кўрсатуви ва ўқув-ёрдамчи лавозимлари бўйича вакант жойларга ҳам факультет талабалари ишга жойлаштирилган. Масалан, ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда амалий филология кафедраларида, таржима назарияси факультетида, шунингдек, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, ҳужаки бўлимларида турли вазифаларда ишлашмоқда. Гарчи айрим лавозимларга олий маълумот талаб этилса-да, истисно тариқасида университет раҳба-

рияти томонидан талабанинг билим ва салоҳиятидан келиб чиқиб, тизимдаги лавозимларга ишга жойлаштиришга рухсат этилди. Университет ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ҳам 4 нафар талабанинг самарали фаолият кўрсатиб келаётгани бунинг амалдаги кўринишидир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, талабаларимизга, айниқса, Тошкент шаҳридаги русийзабон мактаблардан иш масаласида қўллаб-тақийлаб бўлади. Зеро, битирувчиларимиз бу соҳа бўйича тайёрланган “биринчи қалдирғочлар” ҳисобланади. Бугунги кунда 20 нафарга яқин битирувчининг пойтахтдаги нуфузли русийзабон мактабларда ишляпти.

— Устозларим берган билим ва кўникмаларга таянган ҳолда, пойтахтдаги 110-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига ўзбек тили фани ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилиндим. Ҳозирда шу ерда ишлаш билан бирга, малакавий амалиёт ўтатишман. Муассаса жаҳон стандартлари асосида қурилгани учун исталган интерактив мактаб билан рақобат қила олиш салоҳиятига эга. Бу ерда ишлаб тажриба орттиришман, ойллик маош олиб, ўз харажатларимни қоплаш билан ота-онамга яқиндан ёрдам берайман, — дейди талаба Нилуфар Одилжонова.

Бўлажак ношир Жасурбек Норматов эса, талабага қўшимча маблағ, албатта, кераклиги ва бунни тил ўрганиш, турли дастурлар яратишни ўзлаштириш каби келажаги учун манфаатли бўлган машғулотларга сарфласа, айна мудида бўлишини таъкидлади. Университет ректори ташаббуси билан йўлга қўйилган “Ноширлик.уз” лабораторияси етакчиси сифатида иш бошлади.

Ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари самараси ўлароқ, талабаларимиз қўшимча равишда хусусий корхоналарга ишга жойлаштишга муваффақ бўлишди.

Шунингдек, факультетда бизнес-тренинглар ўтказиш ҳам йўлга қўйилди. Яқинда халқаро тоифадаги бизнес-тренер Алишер Рустамов “ОТМ профессор-ўқитувчилари ва талабаларини бизнес билан боғлиқ фаолиятга йўналтириш” мавзусида тренинг ўтказди. Унда бизнес фаолиятини йўлга қўйиш учун нималарга эътибор бериш зарурлиги, айнан қайси соҳаларда қандай бизнес лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақида қимматли маслаҳатлар берилди.

Умуман олганда, эҳтиёжманд талабаларни иш билан таъминлаш ва уларга муносиб шароит яратишдек эзгу ишга бугун барча олий ўқув юртлари қатори Ўзбек тили ва адабиёти университетида ҳам асосий масала сифатида қаралаяпти.

ЭКОЛОГИЯ

Феруза ЖЎРАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бир уюм хазон ёқилса, димоғни ачитадиган тутунни анча жойгача ўрлайди. Энди саноат корхоналаридан чиқадиган зарарли газ ва чангларни тарқатиш, инсониятга зиёни тасаввур қилаверинг. Бир манбадан ҳавога чиқарилган ташланма баъзида минглаб километр наридаги ҳудудгача етиб бориши мумкинлиги тадқиқотчилар томонидан исботланган. Саноат корхоналаридан чиқаётган мана шундай зарар учун “қопқон” саналуви учуналар бугунги кун зарурати.

“ҚОПҚОН” УСКУНАЛАР экология мусаффолиги, иқтисодий тежамкорлик омили

Жорий йилда атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириб, прогноз қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсири устидан мониторингинг амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар бошлаб юборилган.

— Саноат корхоналари инсон ҳаёти учун энг хавфли бўлган азот оксиди, аммиак, олтингурут, чанг кабиларни атмосферага ташлайди, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Азиз Қўлимов. — Бу каби зарарнинг олдини олиш учун эса, саноат корхоналарига махсус ускуналар ўрнатилиб, зарарли моддаларнинг ҳавога тарқалишини камайтириш чоралари қўрилмоқда. Республикамизда мавжуд 1 минг 300 дан зиёд йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан чиқарилган ифлослантирувчи моддаларнинг 86 фоиздан ортиқ қисми чанг-газ тозалаш ускуналари ёрдамида ушлаб қолинмоқда.

2021 йилда 131 та корхонада 230 та чанг-газ тозалаш ускуналари модернизация қилиниб, 22 та корхонада 60 та янги ускуналар ўрнатишган. Жорий йилда эса, биринчи навбатда, атроф-муҳитга таъсири юқори ва ўрта (I-II тоифа) бўлган 345 та йирик саноат корхонасининг 1,5 мингга яқин чанг-газ тозалаш ускуналарини янгилаш ва модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Элак вазифасини бажарувчи ускуналар амалдаги ишлаб чиқариш қувватлари учун 95 фоиздан кам бўлмаган, янги ишга туширилган корхоналар бўйича эса 99,5 фоизгача тозалаш даражасини таъминлаб беради. Кимё саноати, металлургия, металга ишлов бериш, тоғ-кон, машинасозлик, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳаларида қўлланиладиган импульсли регенирацияли “енгли фильтлар” қўлланиш жиҳатдан энг оммабоп, самарали ва классик матоли фильтр ҳисобланади.



Ҳазни қайта ишлаш заводларида олтингурут кўп йўқотилишининг олдини олиш мақсадида ишлатиладиган ускуна молекуляр элаклари ёрдамида ҳаво мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади.

Тармоқ корхоналарида атмосфера хавосини ифлослантирувчи манбалардан намуналар олиш, таҳлил қилиш, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда стационар автоматик кузатиш постлари билан босқичма-босқич жиҳозлашнинг афзалликлари кўп. Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш объектларини реконструкция ва модернизация қилиш ҳисобига корхоналарда зарарли моддалар ташланмаларини 2019 йилга нисбатан 16 фоизга камайтиришга эришилди. Шу билан бирга, корхоналар эҳтиёжи

учун ишлатиладиган сувнинг йиллик сарфи 513,9 минг тоннага қисқартирилди.

— Тизим шаффофлиги ва экологик барқарорлиқни таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингинг ўрнатилган бўлиб, ифлосланиш даражасини аниқлаш ва ҳолатини баҳолаш, салбий жараёнларнинг оқибатларини таҳлил қилиб, мунтазам кузатиш имконини беради, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Улуғбек Собиров. — Бугунги кунда қўмита тизимида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази ва унинг 14 та ҳудудий бўлимида махсус лабораториялар мавжуд. Улар томонидан атмосфера хавоси ҳар ойда бир маротаба, оқавра, ер усти сувлари ҳар чорақда бир марта, тупроқ ифлосланиши эса ярим йилда бир маротаба мониторинг қилиб борилади. Олинган ҳулосаларга қараб тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. 2018-2021 йилларда атроф табиий муҳит мониторингинг ўтказилган объектлар сони 342 тадан 625 тага ортди.

Ҳозирги кунда қўмитада атроф табиий муҳит давлат мониторингинг тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базаси яратилган. У саноат корхоналарининг салбий таъсирини прогноزلлаштириш ва бартараф этишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш ва салбий оқибатларга қарши ўз вақтида чоралар қўриш имконини беради. Асосийси, инсон омилсиз рақамли экологик назорат тизими яратилади.

Рақамли экологик назорат олиб борилиши натижасида атроф-муҳитга таъсир қилиш хавфи юқори бўлган корхоналар ҳақидаги маълумотлар ишончли равишда юритилиб, масъуллар зиммасига аниқ вазифалар юкланади.

Сўнгги йилларда саноат корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш мақсадида ёш олимлар томонидан ҳам инновацион лойиҳалар яратилмоқда. Тошкент давлат техника университети талабаси Ойбек Бектошев Саноат корхоналарининг юқори ва ўрта босимли вентиляторларидан ташқарига узатилаёт-



ган ҳаво оқимидан электр энергия олиш инновацион қурилмасини яратди.

— Муқобил энергиядан фойдаланиш ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш мақсадида яратилган қурилма ёрдамида атроф-муҳитга корхона томонидан чиқарилаётган ҳаводаги чанг зарралари ушлаб қолинади, — дейди Ойбек Бектошев. — Ўшбу қурилмани яратиш ва ишга тушириш кўп харажат талаб қилмайди. Энг муҳими, корхонани ёритиш учун узлуқсиз, сифатли ва арзон электр энергия олиш имонияти мавжуд. Яъни ўз объектидан чиқаётган чанг орқали корхона ўзини ўзи электр энергияси билан таъминлайди. Мазкур лойиҳа жорий йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

Тақлиф қилинаётган инновацион қурилма ҳаво вентиляторларидан атроф-муҳитга куверлар ёки ҳаво оқими орқали шамол ғилдираги параклари айлантирилади ва ҳаво оқимидаги чанг зарралари тугиб қолинади. Шамол ғилдирагининг айланма ҳаракати орқали ўзгармас ток генератори ишлай бошлайди. Бунинг натижасида ҳосил бўлаётган қучлиши аккумуляторни зарядлаб, корхона биноси, йўлларини ва ташқи майдонларини ёритувчи чироқларни электр энергия билан таъминлаб беради. Ҳам вентиляторлардан ташқарига узатилаётган ҳаво тозаланиб, атроф-муҳит ҳимояланади, ҳам энергия тежамкорликка эришиб, қўшимча энергия олиш имкони пайдо бўлади.

Экологик аҳволни соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа омиларга боғлиқ. Янгича ёндашуларга асосланиб, табиатни муҳофаза қилишнинг ҳам аҳамияти катта. Бу орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш баробарида иқтисодий фойда олишга ҳам эришилади.

